

“Маҳаллада дув-дув гап” маънавий-маърифий тадбири давом этмоқда



Термиз туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси ҳамкорлигида тумандаги «Гулисторн» маҳалласидаги ҳарбий қисмда 4-сектор ҳудудидаги таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Маҳаллада дув-дув гап” маънавий-маърифий тадбири ўтказилди.

Ватанпарварлик руҳида ўтган тадбирда иштирок этган ўқувчилар ҳарбийлар фаолияти ва ҳаёти билан яқиндан танишишди. Шунингдек, тадбирда санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилиб, йиғилганларга кўтаринки кайфият улашилган бўлса, ҳарбийларнинг жанговар руҳидаги кўрғазмали чиқиши, қурол-аслаҳа ва техникалар намоиш ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.